*Долзарб мавзу*

**Мустақиллигимизнинг ўн учинчи йилида яшаяпмиз. Воқеликка муносабатимиз, онгу тафаккуримиз, табиийки, тўқсонинчи йилларнинг бошларидагига қараганда сезиларли даражада ўзгарди.**

# Бозор иқтисодиёти номига эмас...

**Айни пайтда шунга иқрор бўлайликки, узоқ йиллар мобайнида руҳимизда ўрнашиб қолган эскича қарашлардан халос бўлиш ҳам осон кечмаяпти.**

Рост-да, ўзимизни ҳеч қайси миллат ёки элатдан кам ҳис этмаймиз. Биз мансуб бўлган шу азиз Ватан жаҳонда ўз ўрнини топиб бораётганидан ғурурланамиз. Янаям муҳими, жамиятимизда бозор муносабатларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш учун дунё амалиётида синовдан ўтган, миллий қадриятларимиз ҳисобга олинган қонунчилик тизими яратилган. Ҳамма гап ана шу қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг ҳаётда чин маънода ишлашидадир.

Жаҳоннинг илғор мамлакатлари бораётган йўл — бозор иқтисодиёти ҳар бир фуқародан ўз қонунияти ва табиатини ҳисобга олиб муносабатда бўлишни талаб қилади. Акс ҳолда «ўйин бузилади» — кўнгилдаги натижа чиқмайди.

Хўш, бозор иқтисодиётининг «бисмиллоси» нима? Табиийки, белгиланган қоидаларга амал қилган ҳолда мулкнинг турли шаклларини вужудга келтириш. Модомики, инсон ўз табиатига кўра моддий манфаатдорлик сари интилар экан, мулкнинг аниқ эгасини тайин қилиш, яъни хусусийлаштиришга устуворлик берган маъқул.

Келинг, бу борада нималар рўй беряпти, ишларимиз жаҳоний мезонларга таққосланганда қандай баҳоланади — шулар ҳақида фикрлашайлик. Ўз қадамларимизга танқидий ёндашадиган бўлсак, хусусийлаштириш жараёнлари суръатини янада тезлаштиришимиз зарур. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, расмий хусусийлаштиришдан реал хусусийлаштириш сари амалий қадамлар қўйиш — даврнинг талабидир. Расмий хусусийлаштиришда фақат белгиланган режа мақсад қилинади, ҳисобот билан чекланилади, реал хусусийлаштиришда эса талаб ва таклиф, аниқ ниятлар ҳар томонлама ҳисобга олинади.

Парламент қабул қилган қонунлар, Президент фармонлари, ҳукумат қарорларини ана шу йўлимиздаги ёруғ манзилларга, чироққа қиёслаш мумкин. Шундай ҳужжатлардан бири Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридир. Мазкур қарорнинг бир неча иловалари борки, улар хусусийлаштирилган корхоналарда корпоратив бошқариш принципларини изчил жорий этиш бўйича муҳим жиҳатларни ифодалайди. Хусусан, Низомда давлатнинг акциядорлик жамиятларидаги ишончли вакиллари давлат улуши 25 фоиздан ортиқ бўлган АЖда давлат улуши профессионал бошқарувчи компаниялар бошқарувига берилган вақтгача тайинланиши кўрсатилган. Бунда давлатнинг ишончли вакиллари номзодлари етарли даражада иқтисодий билимларга, раҳбарлик ишида ишлаш амалиётига эга бўлган ҳамда тайинлаш пайтида ва кўрсатиб ўтилган функцияларни бажариш чоғида акциядорлик жамияти таркибига кирадиган компаниялар, корпорациялар, уюшмалар ходимлари бўлмаган жисмоний шахслар, шунингдек, компанияларнинг профессионал бошқарувчилари орасидан танлаб олинади.

Вазирлар Маҳкамасининг 7 февралдаги мажлиси қарорида Давлат мулки қўмитаси эътибори қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини ривожлантириш ва акциялар давлат пакетларини бошқарувчи компанияларга ишончли бошқарувга бериш ишларининг етарли эмаслигига қаратилди.

Албатта, масалага кенгроқ қарағанимизда, мамлакатимиз фонд бозорида амалга оширилган савдолар умумий ҳажми бир йилда 2 ҳисса кўпайганлигини кўрамиз. Айтайлик, 2003 йилда иккиламчи бозордаги битимлар ҳажми 27,7 миллиард сўмни ташкил этиб, жумладан, 14,8 миллиард сўмга тенг битимлар «Тошкент» фонд биржасида амалга оширилган. Зотан, Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил 29 апрелдаги «Қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида мазкур фонд биржаси истисно тариқасида уч йил муддатга қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинганди.

Гарчи акциялар биржа иккиламчи бозори аввалги йилдагига нисбатан ўсган бўлса-да, иккиламчи бозор айланмаси 2003 йилда фақатгина 30,1 фоизни ташкил этди. Демак, бугунги корпоратив қимматли қоғозлар бозорида бирламчи бозорнинг устунлиги сақланиб турибди. Бунга сабаб нима?

Ўзбекистон Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директори Мурод Юнусматов билан шу масалада фикр алмашдик. Маълум бўлишича, аксарият корхоналар акцияларига инвесторлар томонидан қизиқиш йўқ. Демак, ушбу корхоналар иқтисодий аҳволи, ижроия органлари фаолияти кўрсаткичлари қониқарли даражада эмас. Акциядорлик жамиятлари пухта ўйланган дивиденд сиёсатини олиб боришолмаяпти. 2002 йил натижалари бўйича фақат 48,3 фоиз акционерлик жамиятлари ўз акциядорларига дивиденд ҳисоблаган. Ўз аъзоларига дивиденд бермаган акционерлик жамияти ишини қозон қуриб, олов ёқмаган ошпазга ўхшатиш мумкин.

Яшириб нима қиламиз, кўпгина акционерлик жамиятларида аҳоли эмитентлар, уларнинг молиявий аҳволи ва ривожланиш дастурлари тўғрисида етарли маълумотга эга эмас. Ҳолбуки, бу борада ижобий тажрибалар ўзимизда етарли. Кўпгина банклар ва алоқа корхоналари Интернетда ўз веб-саҳифаларини очган. Айрим корхона раҳбарларига нега бу борада ҳаракат қилмайсизлар, деб сўрасангиз, бунинг учун ҳам маблағ етишмаслигини айтишади.

Хўш, аҳволни ўнглаш учун нима қилиш керак? Марказ мутахассислари ана шу масала устида астойдил бош қотиришяпти. Уларнинг фикрича, юқори рентабелли корхоналар томонидан қўшимча акция чиқарилувини амалга ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида директорлар корхонага қўшимча маблағ сармоясини жалб этиш учун ўз корхоналари рейтингини доимий кўтаришга ҳаракат қилишлари керак.

Шунингдек, комплекс хизматлар тизимини аҳолига тақдим этадиган профессионал бозор иштирокчилари учун қимматли қоғозлар бозорида бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишни чегаралаётган тизимни бекор қилиш мақсадга мувофиқ. Белгиланган режаларда эмитентлар ва уларнинг қимматли қоғозлари, акциялар паст-баландлиги ва қимматли қоғозлар иштирокчилари учун бошқа керакли маълумотлар билан таъминлайдиган ихтисослашган ташкилот тузиш ҳам назарда тутилмоқда.

Марказ 2004 йил мобайнида тегишли ташкилотлар билан биргаликда акциядорлик жамиятларининг молиявий-хўжалик фаолияти, уларнинг акциялари нархлари, дивидендлар тўлови, биржа ва биржадан ташқари бозор ҳолати ва инвестицион қарорлар қабул қилиш учун муҳим бўлган бошқа маълумотларни ўз ичига олган ахборот тизимини татбиқ этиш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширишни режалаштирган. Мазкур тизим қуйидагиларни ўз ичига олади:

— керакли маълумотларни тўплаш ва мунтазам равишда Марказ, Марказий депозитарий ва «Тошкент» республика фонд биржаси маълумотлар базасини янгилаш;

— телевидение орқали маълумотларни эълон қилиш. Чунончи, «Ахборот» ва «Давр» телекўрсатувларида савдолар ҳажми, битимлар сони, фаол эмитентлар ва TASIX индекс кўрсаткичи ҳақида маълумот бериб бориш.

«Ўзрепорт» ва «Тошкент» биржаси ҳамкорлигида қимматли қоғозлар бозори салоҳиятли инвесторларга Интернет тармоғи орқали таҳлилий ва тезкор маълумотларни етказиш учун вэб сайти ташкил қилинди.

Қимматли қоғозлар бозори қатнашчилари ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг қимматли қоғозлар бозори фаолиятининг турли йўналишлари билан боғлиқ шикоят ва мурожаатларини кўриб чиқиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

2003 йил бўйича Марказ ва унинг ҳудудий бошқармаларида кўриб чиқилган 354 та шикоят ва мурожаатнинг 291 таси қондирилди, 28 таси бекор қилинди ва 35 таси кўриб чиқилмоқда. Қонунбузарликларни бартараф қилишга оид 87 та кўрсатма берилди, 22 та жамиятга нисбатан 39300,5 минг сўм миқдорида иқтисодий жарима қўлланилди.

Хусусан, «Ўзнефтниқайтаишлаш» акциядорлик компаниясининг 49 нафар акциядор мурожаатларини кўриб чиқиш натижасида Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамияти ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 53 ва 56-моддалари талаблари бузилиб, 2002 йил ҳисобига бир гуруҳ акциядорларга 7 486 200 сўм миқдорида дивиденд тўланмаганлиги аниқланди. Ўзбекистон Республикаси «Қимматли қоғозлар бозорида инвесторлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 9-моддасига асосан, акциядорлар ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш ва акциядорларга дивидендлар бўйича тўловни амалга ошириш ва ўз вақтида тўловни амалга оширмаганлиги сабабли, пеня ундириш мақсадида Марказ томонидан Миробод туманлараро фуқаролик судига даъво аризаси берилди.

Иш судда кўриб чиқилиб, «Ўзнефтниқайтаишлаш» акциядорлик жамияти томонидан акциядорларга 7 486 200 сўм миқдорида дивиденд тўланиши таъминланди.

Албатта, бундай ҳолатларнинг рўй беришига акциядорларнинг ўз ҳуқуқларини яхши билмаслиги ҳам сабаб бўлаётир. Ўрни келганда бозор муносабатларига киришган акциядорларга қонун томонидан белгиланган ҳуқуқларни эслатмоқчимиз. Зотан, акциядор ўзи аъзо бўлган жамиятни бошқаришда иштирок этиш, фойданинг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш, олган дивидендини эркин тасарруф қилиш, акциядорлик жамияти тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш, инвестиция институтлари ва эмитентларнинг уқувсиз ёки ғаразли хатти-ҳаракатлари туфайли кўрган зарарнинг тўланишини талаб қилиш, қимматли қоғозлар сотиб олиш вақтида зарар кўриш ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиш эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликни суғурталаш ҳуқуқига эга.

Ҳа, бозор иқтисодиётининг ўз талаб ва қоидалари бор. Агар биз ҳаётимизни янада эркинлаштиришга имкон яратувчи қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни яхши билиб олсак, айни пайтда бир-биримизга маълум қилсак, кучли давлатдан кучли жамият сари қўяётган одимларимизга жадаллик бахш этган бўлар эдик.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**

**Бизнинг маълумот**

*Қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори деганда, эгаси бор қимматли қоғозларни талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда қайта олди-сотдисини ташкил қилиб ва таъминлаб берувчи бозор тушунилади. Унинг функцияси — қимматли қоғозларнинг олди-сотдисини тезкорлик билан таъминлашдир.*

**Имтиёз**

Жисмоний шахсларнинг хусусийлаштириш жараёнида иштирокини янада рағбатлантириш мақсадида жисмоний шахсларнинг хусусийлаштирилган корхоналар негизида барпо этилган хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг акциялари (улушлари) бўйича дивидендлар ҳолида олган даромадлари беш йил муддатга соликдан озод этилган.

**Қонун нима дейди:**

*Дивиденд фойданинг солиқлар ва мажбурий тўловлар тўланганидан, қайта инвестиция амалга оширилганидан сўнг акциядорлар жамияти ихтиёрида қоладиган, акциядорлар ўртасида тақсимланиши керак бўлган қисми.*

*Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.*

*Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.*

(Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 53-моддасидан).

## ФАН-ТЕХНИКА *янгиликлари*

*"Илм-фанни ривожлантиришдаги хизматлари ва истеъдодли ёш олимларни тарбиялашга қўшган ҳиссаси учун" Ўзбекистон Фанлар академияси Президенти, академик Беҳзод Йўлдошев Россия ФА Бирлашган ядро тадқиқотлари институтининг фахрий доктори этиб сайланди.*

### Хорижда эътироф этилди

Куни кеча Дубна шаҳрида олимга ушбу дипломни топшириш тантанаси бўлиб ўтди. Шунингдек, олим АҚШдаги Бутунжаҳон Исроил Фанлар академиясининг фахрий аъзоси этиб сайланганлиги тўғрисида ҳам хушхабар келди. "Профессор Йўлдошев, Сизнинг номингиз бизнинг академияга обрў ва ишонч келтиради. Шу билан бирга мақсадларимизни белгилаб олишда ўта муҳимдир" — дейилади хабарда.

**Р. ЁРЛАҚАБОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Ўзбекистон Фанлар академиясининг Яҳё Ғуломов номидаги археология институти Хоразм бўлими олимларининг саъй-ҳаракати ва илмий изланишлари натижасида Хива тарихий обидалари харитаси юзага келди.*

### Кўҳна Хива харитаси

Туризм коллежлари учун махсус яратилган ушбу харитада Хива тарихи ва бугунига оид муҳим манбалар ўз ифодасини топди.

Бу янги картографик нашр хорижлик сайёҳлар учун ҳам яхши қўлланмага айланиб улгурди. Ўзбек, инглиз, немис тилларида чоп этилган харита дунёнинг 70дан ортиқ мамлакатларига тарқатилди.

*Тошкент Давлат техника университети ва Фанлар академиясининг Тарих институти ҳамкорликда «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» Республика илмий семинарини ўтказди.*

### Тарих ва халқ

Юртимиз тарихининг долзарб муаммоларини ўрганиш мақсадида ўтаётган семинарнинг навбатдаги 29-йиғилишида «Ўзбек давлатчилиги тараққиёти тарихида фан ва техника омиллари» мавзуси муҳокама қилинди.

**Камола МИРЗААҲМЕТОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-текшириш институти инсон саломатлиги учун фойдали бўлган қатор янги дори-дармонларни ишлаб чиқарди. "Ўзбиофарм" корхонаси буюртмаси бўйича тайёрланаётган препаратлар ҳам аъло сифати билан ажралиб туради.

### Шифобахш препаратлар



Институтда таркибида йод моддаси бўлган иммунокорректор препаратини ишлаб чиқариш технологияси йўлга қўйилди. "Иммунно-йод" деб ном олган мазкур моддага кўплаб буюртмалар туша бошлади.

**А.АЛИЕВ.**

# Бухоро зардўзлари

*Халқ қўшиғида куйланганидек, ипаклари тиллодан йўғрилган бу дўппилар ҳар бир аёлнинг ҳавасини келтириши, табиий. Буни Бухоро шаҳридаги «Зардўз» очиқ турдаги акционерлик жамияти қизлари тикишган. Бундан ташқари бу ерда эркак ва аёлларнинг зарбоф тўнлари, эсдалик совғалар, гиламлар ва саҳна пардалари ҳам тайёрланади. Жамият зардўзларнинг бир қатор республика танловларида биринчиликни ҳам қўлга киритишган.*

*Эътиборлиси, «Зардўз» маҳсулотларига чет элликлар ҳам ошуфта бўлиб қолишди. Айни вақтда унинг маҳсулотлари АҚШ, Франция, Швейцария мамлакатларига ҳам экспорт қилинмоқда.*



**СУРАТДА:** тикувчи Жамилахон Хўжаева.
**Т. ҲАМРОҚУЛОВ** олган сурат.

*Журналист суриштируви*

**Улар ўн ой ичида пул ва пора билан боғлиқ олтита жиноятни «фош» қилишда иштирок этишди. Охир-оқибат 11 кишининг судланиши ва жазоланишига сабабчи бўлишди**

# Ёлланма



Икки минг иккинчи йил 26 сентябрь куни пойтахтимизнинг Аския кўчасидаги 29-уйда фавқулодда ҳодиса рўй беради. Шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаментининг Яккасарой тумани бўлими бошлиғи Зокир Очилов ўз хизмат хонасида жиноятга қўл уради. Фуқаро Виктор Гусевдан, оз эмас-кўп эмас, нақд 7200 АҚШ долларини пора сифатида олади. Бироқ уларни яшириш нарида турсин, санашга ҳам улгурмайди. Саноқли дақиқалар ичида тезкор гуруҳ томонидан ушланади...

Зокир "бойвачча мижози" билан атиги бир ҳафта бурун туман коммунал фойдаланиш бошқармаси бошлиғи орқали танишганди. Илк учрашув чоғи Виктор турмуш ўртоғи Елена номидан савдо дўкони очиш, мавриди етганда, хусусийлаштириб олиш учун ижарага бино ахтараётганини айтиб, ёрдам сўрайди. Зокир унга ишхонаси манзили ҳамда телефон рақамини бериб, тез-тез хабарлашиб туришини тайинлайди. Аммо ўзи ишлаётган туман ҳудудидан бўш иморат тополмай, боши қотади. Пировардида шаҳарнинг Боткин кўчасида департамент томонидан "Виртех ойл" масъулияти чекланган жамиятига берилган жой борлигидан, жамоа аҳли молиявий аҳволи ночорлашгани боис унинг муайян қисмини қайтариб топшириш ниятида юрганидан огоҳ топади. Ҳамза тумани ҳокимининг қурилиш, уй-жой ва коммуникация мажмуи масалалари бўйича ўринбосари вазифасини бажарувчи Отабек Алиев билан департаментда учрашганида шу хусусда сўз очади. «Ишончли одам» тайинли иморатга эга чиқиш мақсадида эканини таъкидлаб, иложи бўлса, масъулияти чекланган жамият раҳбари Алишер Ҳамидовни кўндириб беришини илтимос қилади.

Бу бежиз эмасди. Отабек яқин-яқингача Зокир билан тенг лавозимда ишлаган — департаментнинг Ҳамза тумани бўлимини бошқарганди. Бинобарин, ҳамкасбини яхши танирди. Қолаверса, "Виртех ойл"га дахлдор гаплар ҳам рост эди. Отабек, Алишер Ҳамидовнинг илтимоси ва аввалги хизмат вазифасига биноан, ўша жойни сал олдинроқ икки-уч талабгор тадбиркорга кўрсатганди. Шунданми, Зокирнинг раъйини қайтаролмайди. Фақат бунинг учун бўлғуси ижарачи амалдаги ижарачи қўшимча қурилиш ва таъмирлаш юмушларига ишлатган маблағни қоплаши лозимлигини уқтиради. Буни 24 сентябрь куни иншоотни кўргани борган Викторга ҳам эслатади. Сарфланган сармоя ўша пайтдаги нарх-наво бўйича 5,5 миллион сўм, АҚШ валютасида 7 минг долларга тўғри келишини тушунтиради. Қарангки, мана шу бир оғиз сўзи ҳали ўттиз ёшга тўлмаган йигитнинг ҳаётини кейинчалик бутунлай остин-устун қилиб юборади. У бирйўла ҳам амалидан, ҳам обрў-эътиборидан айрилади. Энг ачинарлиси, эларо порахўр деган тавқи лаънат орттириб, узоқ йилга қамалади.

"Наҳотки!" дейсизми, унда эшитинг.

Виктор Отабек билан учрашганидан хабар топгач, Зокирнинг феъли айнийди. "Айтилган пулни менга келтириб берасан. Уни Отабекка ўзим етказаман. Зарур ҳужжатларни икки-уч кунга қолмай рисоладагидек қилиб расмийлаштириб бераман. Хизматим ҳақига 200 доллар тўлайсан", дейди.

Виктор "Хўп!" деганча хонани тарк этади. Тарк этади-ю, тўғри милиция идорасига бориб, ариза битади. 26 сентябрь куни тушга яқин яна бўлимда пайдо бўлади. Унинг чўнтаги қаппайиб турганини сезган Зокир чаққон ишга киришади. Викторга икки нусхадаги бўш шартнома ва иншоотни қабул қилиш-топшириш тўғрисидаги тўлдирилмаган далолатнома иш қоғозларини ҳамда тепасига "ЧП Гусева Е.М." деган амалда йўқ хусусий корхона номи ёзилган тоза оқ қоғозга турмуш ўртоғи номидан имзо чектиради. Уларнинг орасига Еленанинг паспорти ксеронусхасини солиб қўйгач, ими-жимида узатилган 7200 долларни чўнтагига уради. Лекин ўзи шохида юрса, мижози баргида юрганини, мўмай пулларнинг аксарияти кимёвий ишловдан чиқарилган қалбаки купюралар эканлигини хаёлига ҳам келтирмайди. Ана, оқибати: Викторнинг ортидан даҳлизга чиқиб, биринчи қават пиллапоясига қадам қўйган маҳали тезкор гуруҳ аъзоларига рўбарў келади. Улар кузатувида кабинетига қайтиб киргач, қилмишини тан олишдан ўзга иложи қолмайди...

Ажабланарлиси, дастлабки суриштирув чоғи Зокир пулни шахсий эҳтиёжи учун қарзга олганини айтади. Ҳаял ўтмай, негадир сўзидан қайтади. "Икки юзини ўзимда қолдириб, етти мингини Отабекка бермоқчийдим", деб туриб олади. Бу фикрни Виктор Гусев ҳам қўллаб-қувватлайди. Шунга кўра, Зокир мансабидан фойдаланиб, ҳақ эвазига жуда катта миқдорда пора олиш-беришда воситачилик қилгани боис Жиноят кодексининг 212-моддаси 3-қисмининг "а" ва "г" бандлари билан жиноий жавобгарликка тортилади. Отабек Алиев эса гўёки хизмат мавқеини суиистеъмол қилган ҳолда воситачи орқали ўта кўп ҳажмда пора олгани туфайли Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисми "а" бандига мувофиқ айбланади. Тошкент шаҳар судининг 2002 йил 12 декабрдаги ҳукмига биноан, Зокир беш йиллик, Отабек ўн йиллик қамоқ жазосига лойиқ кўрилади. Амнистия тўғрисидаги Фармон қўлланилиб, ҳар иккала жазо чорак қисмданга қисқартирилади. Апелляция суди белгиланган муддатни янада камайтиради.

Албатта, жиноят борки, жазо муқаррар! Ножўя йўлга кирган киши, кимлигидан қатъи назар, қонун олдида жавоб бермоғи, алқисса, хатосини англаб етиб, тавбасига таянмоғи керак. Бунинг учун эса маҳкумнинг гуноҳи рад этиб бўлмас далиллар асосида исботланиши, жазо қилмишга яраша бўлиши шарт. Масалага шу жиҳатдан ёндашсак, ҳақли савол туғилади: Отабек Алиевга тайинланган жазо қонунийmиди? Унинг айби аниқ далиллар билан тасдиқланганмиди?

Афсуски, бу саволларга ижобий жавоб қайтариш даргумон. Хўш, сабаб?

Аввало, Виктор Гусев милицияга ёзган аризаси ва тушунтириш хатида Отабек ҳақида ҳеч нарса демаган. Фақатгина Зокир тамагирлик қилаётганини билдириб, айнан унга нисбатан чора кўришларини сўраган. Бундан ташқари, тезкор гуруҳ холислар иштирокида тўлдирган баённомада ҳам Отабекнинг исм-шарифи тилга олинмаган. Билъакс, махсус ишловдан ўтказилган пуллар муляжи шахсан Зокир Очиловга берилиши, Викторга топширилган диктафон ва аудиокассета уларнинг ўзаро мулоқотини ёзиб олишга мўлжаллангани қайд этилган. Иккинчидан, Отабек воқеа жойида бўлмаган. Виктор имзолаган сохта ҳужжатларни кўрмаган-билмаган, уларнинг реквизитларини тўлдирмаган. Бунданам муҳими, Зокир сингари ашёвий далиллар билан ушланмаган. Унга аталган деб тахмин қилинган пуллар қўлига етиб бормаган. Ушбу масала юзасидан жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги қарорда ҳам бу ҳақда сўз юритилмаган. Отабек икки кундан сўнг, Зокир ва Викторнинг оғзаки даъволари бўйича, айбланувчи тариқасида ишга жалб қилиниб, ҳибсга олинган. Учинчидан, даҳлизда қўлга тушган Зокирнинг "Айни топда пулни Отабекка етказиш учун отлангандим" мазмунидаги кўргазмаси мантиққа тўғри келмайди. Мабодо, шу гап рост бўлса, у нима учун шартнома ва далолатномани ўзи билан олиб кетмай, иш столи устида қолдирди? Рўй беражак қонунбузарликни фош этишга астойдил бел боғлаган тезкор гуруҳ ходимлари-чи? Фурсат ғаниматлигини била туриб, нега тадбирни давом эттиришмади? Нега Отабекни Зокирдан пулни олаётган лаҳзаларда ушлаш чораларини кўришмади? У айбини енгиллаштириш илинжида бировга туҳмат қилмаётганига ким, қандай кафолат бера олади? Қизиқ, кимдир бу пулни фалончига бермоқчи эдим, деса, ўша фалончи порахўрга айланаверадими?..

Ана шу боис Отабек ўзига қўйилган айбга аввал-охир иқрор бўлмаган. Айни чоғда, иншоотни кўрсатаётганида "Виртех ойл" харажатлари қанча бўлишини Викторга айтганини инкор этмаган. Бу фикрни масъулияти чекланган жамият раҳбари Алишер Ҳамидов, бош ҳисобчиси Олеся Онучак, тадбиркорлардан Геннадий Мирзамерганов, Неъматилла Шоносиров, Адҳам Маҳкамовлар ҳам тасдиқлашган. Бироқ суд ҳайъати уларнинг ҳам, Зокир билан Отабекни аввал кўрмаган, бор гапни фақат Виктордан эшитган гувоҳлар Елена Гусева ва Раҳматжон Неъматжонов гапларини ҳам Отабекнинг айбини тўла тасдиқловчи далилга йўйган. Тадбирда холис сифатида иштирок этган, сир сақланиши зарур маълумотлардан ипидан игнасигача воқиф бўлган Равшан Шомирзаев ва Бахтиёр Тўхтаевнинг судга келишини таъминламаган. Виктор магнитафонига олдинроқ ноқонуний равишда туширган суҳбат матнини фо-

## Қамал қилиниши мумкин

Грузия Ташқи ишлар вазирлиги Аджария етакчиси Аслан Абашидзенинг дипломатик паспорти бекор қилинганлигини



маълум қилди. Худди шундай тақиқлов унинг ўғли— Батуми шаҳри мэри Георгий Абашидзе, Аджария ички ишлари вазири Жемал Гогитидзега нисбатан ҳам қўлланилган. Вазирлик вакили мазкур қарор мамлакат президенти Михаил Саакашвили топшириғига биноан қабул қилинганлигини билдирди.

Бундан ташқари, Грузия Миллий банки Батумидаги Денгиз банки фаолиятини ҳам тўхтатиб қўйди.

Президент мабодо Батуми қўйилган шартларни бажармаса, Тбилиси мухториятни қайтадан қамал қилиши мумкинлигини билдирди.

## Чиқиндига чиқариш учун

Буюк Британиянинг Москвадаги элчиси Саймон Эванс 2004 йилда Россияда қайта ишланган ядро ёқилғисини чиқиндига чиқариш ва сақлаш дастурини амалга ошириш учун расмий Лондон 30 миллион АҚШ доллар маблағ ажратишини маълум қилди.

2002 йилда катта саккизлик давлатлари учрашувида собиқ иттифоқ давридан қолган оммавий қирғин қуролларини йўқ қилиш учун яқин ўн йил ичида 20 миллиард АҚШ доллари ажратишга келишиб олинган эди.

## Замбияга қочиб ўтишди

Конго Республикасининг шарқий ҳудудида қабилалараро рўй берган тўқнашувлардан сўнг мингга яқин маҳаллий аҳоли қўшни Замбияга қочиб ўтишди. Бу ҳақда Замбия ички ишлар вазири ўринбосари Кенneди Сакени маълум қилди. Сўнгги хабарларга қараганда, Конго ҳарбийлари вазиятни ўз назоратларига олганлар.

# Европада ўз ўрнимиз бор

(Давоми. Боши 1-бетда).

Иттифоқи билан шериклик асосида ҳамкорликка киришиши учун қулай имконият ва яхши пойдевор яратди. Ҳали ҳеч қандай ҳужжат имзоланмасидан олдин Ўзбекистонга Европа Иттифоқи комиссияси комиссари Ханс Ван Ден Брук ташриф буюрди. У Ўзбекистондаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ўзгаришлар билан танишгач, мамлакатимиздан жўнаб кетишда мухбирларга берган интервьюсида шундай деди: «Ўзбекистонга сафарим жуда фойдали ва самарали ўтганидан мамнунман. Мен Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик улкан бурилиш сари юз тутаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Чунки, Марказий Осиёдаги нуфузли мамлакат — Ўзбекистон билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш Европа Иттифоқи учун ҳам манфаатлидир».

1996 йилнинг ёзида Италиянинг Флоренция шаҳрида Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Европа ҳамжамиятлари комиссияси Президенти Жак Сантер маросимда сўзлаган нутқида Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тутган ўрнига жуда юқори баҳо берди ва битимни эътироф рамзи деб атади. Ўз навбатида Ислом Каримов Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарлари кенгашида сўзлаган нутқида бу ҳамкорлик Ўзбекистон учун Европада, Европа учун Марказий Осиёда катта имкониятлар эшигини очиб беришга қодир эканлигига ишонч билдирди.

Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасида ўрнатилган кўприк ана шу тарзда қурилди. Унинг мамлакатимиз учун халқаро аҳамиятини шундан ҳам билса бўладики, Европа Иттифоқи билан Россия ўртасидаги шундай кўприк орадан бир йил ўтиб, яъни 1997 йилдагина ишга тушди. Ҳозир ўн бешта мамлакат Европа Иттифоқининг тўлақонли аъзоси. Шу йилнинг май ойидан бошлаб уларнинг сафига Венгрия, Польша, Словения, Словакия, Мальта, Чехия, Кипр, Литва, Латвия, Эстония қўшилади. Бу ҳақда аниқ қарор қабул қилинган, ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди. Шундан кейин Ўзбекистон бу давлатлар билан Шериклик ва ҳамкорлик битими доирасида, яъни амалдаги тартиб-қоидалар асосида дўстона алоқалар қилаверади.

Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар учун мавжуд муаммолардан бири — бу ҳамма учун ягона ҳисобланган Асосий қонунни, яъни Конституцияни қабул қилиш чўзилиб кетганлигидир. Франциянинг собиқ президенти Валери Жискард д' Эстен бошлиқ конституциявий комиссия 2001 йилнинг декабрида тузилган эди. Комиссия икки йил тер тўкиб ишлади, ҳар бир модда ва қоидани ақл тарозисида тортиб кўрди. Тайёр бўлган лойиҳа Европа Иттифоқига аъзо бўлган ва аъзо бўладиган давлатлар раҳбарларининг 2003 йил декабрь ойидаги учрашувида муҳокамага ташланди. Кўпдан кўп фикр чиқиб, тайёрланган лойиҳа қабул қилинмади. Айниқса, қарор қабул қилиш механизми ҳамда Еврокомиссияга вакиллик масаласида муроса йўли топилмади. Лойиҳада унга фақат 15 та давлатдан вакиллик кўзда тутилган. Бунга янги ўнта давлат қаршилик кўрсатди. Лойиҳада қарор қабул қилиш учун овоз беришда айрим давлатларга имтиёз берилганлиги ҳам бошқаларга маъқул бўлмади. Асосий қонун лойиҳаси қайта кўриб чиқиляпти. Европа Иттифоқи яқин орада мукаммал конституцияга эга бўлади.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи.**



## Овозлар қайта саналади

Тайван президентлигига қайта сайланган Чэнь Шуйбян сайлов натижалари атайин бузиб кўрсатилган деган айбловларни рад этди. Шунга қарамай мухолифатчилар сайлов бюллетенларини қайтадан санашни талаб қилмоқдалар. Чэнь барча шубҳаларни йўққа чиқариш учун овозларни қайтадан санашга розилик билдирди. У ўзининг асосий рақиби Лэнь Чандан 30 минг кўп овоз олиб ғалаба қозонганди.

Кузатувчиларнинг айтишича, сайлов бюллетенларини қайта санаш жараёни бир неча ойга чўзилиши мумкин.

# ОЛАМ НАФАСИ

**Янгиликлар, воқеалар, далиллар**

## Ҳарбий базалар қурилади

Америкалик муҳандислар Ироқнинг собиқ ҳарбий қисмлари ўрнида ҳарбий инфратузилмалар қуришни режалаштиришмоқда.



Chicago Tribune газетасининг хабарига қараганда, ўтган йилдан буён америкалик ҳарбийлар Ироқда 120 та вақтинчалик ҳарбий базалар қуришди. Бироз вақт ўтганидан сўнг яна юздан зиёд янги базалар барпо қилинди. Уларда интернет алоқаси йўлга қўйилган.

Айни пайтда бу ерда минглаб америкалик ҳарбийлар турадиган 14 та узоқ вақтга мўлжалланган базаларни яратиш режалаштирилган.

Ҳозирча америкалик ҳарбийларнинг Ироқда яна икки йил муддатга қолиши кўзда тутилган. 2006 йилгача мазкур базаларда тахминан, 105-110 минг америкалик ҳарбий туришидан ташқари, Буш маъмуриятининг сиёсий маслаҳатчилари келадиган жой сифатида ҳам хизмат қилади.

Американинг янги ҳарбий базалари Боғдод, Мосул, Тожи, Балад, Киркук ва Носирия, Тикрит, Фолужа ҳамда Ирбил шаҳарлари яқинида барпо этилади. Шунингдек, Боғдод ва Мосулдаги аэродромлар қайта таъмирлаш ҳам мўлжалланмоқда.

## Аҳоли кўпайиши секинлашмоқда

Ер юзида аҳоли сонининг кўпайиш даражаси йилдан-йилга пасайиб бормоқда. Бунга туғилиш камайгани ва ОИТС туфайли ўлим кўпайганлиги сабаб бўлаётир, деб хабар беради АҚШ Аҳолини рўйхатга олиш бюроси ахборотига таянган Ассошейтед Пресс агентлиги.

Бюронинг берган маълумотига қараганда, 2050 йилга келиб аҳоли сонининг йиллик кўпайиши 0,43 фоизга камаяди. Дунё миқёсида Ер аҳолиси яқин 45 йил ичида 9,1 миллиард кишига етиши мумкин. Бу кўрсаткич 1998 йилдаги ҳисоботдагидан 0,2 фоизга кам.

Ассошейтед Пресс агентлигининг билдиришича, бу маълумотни БМТ шафелигида ўтказилган тадқиқотлар ҳам тасдиқлади.

АҚШ Аҳолини рўйхатга олиш бюроси вакилининг айтишича, оилани режалаштириш ва аҳоли сонининг ўсишини назорат қилиш дастурлари келажакда кутилмаган натижалар олиб келиши мумкин.

Масалан, 2050 йилга келиб Ҳиндистон аҳолисининг 50 фоизга ўсиши натижасида мазкур мамлакат дунёда аҳоли сони жиҳатидан биринчи ўринга чиқиши мумкин.

Шунга қарамасдан, бюро вакили агар Африка давлатлари ҳукуматлари минтақада ОИТС тарқалишининг олдини олиш бўйича самарали йўл топишмаса, барча дастурлар фойда бермаслигини билдирди.

Бюронинг ахборотида жаҳонда туғилиш камайиб бораётганига алоҳида урғу берилган. Агар 2002 йилда бир аёлга 2,6 бола тўғри келган бўлса, 2050 йилда бу кўрсаткич 2 болани ташкил этиши мумкин.

Айни пайтда энг кам бола туғилиши Европа ва АҚШда қайд этилган.

## Номаълум қўнғироқ сабаб

ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, Германиянинг ғарбида жойлашган Дюссельдорф шаҳридаги марказий темир йўл вокзали вақтинча ёпиб қўйилди. Германия Федерал чегара хизмати вакилининг таъкидлашича, бунга номаълум кишилар томонидан қилинган телефон қўнғироғи сабаб бўлган. Унда полицияни вокзалда террорчилик амалга оширилмоқчи деб огоҳлантирилган. Шундан сўнг вокзалдаги магазинлар, ресторанлар ёпилган. Аҳоли эвакуация қилинган. Бироқ полиция ходимлари ўтказган жиддий текширувлардан сўнг ҳеч қандай портловчи модда топилмади. Ҳозирда вокзал яна ўз фаолиятини бошлади.

## Разведка хизмати тугатилади

Перу ҳукумати разведка хизмати фаолиятини тугатиш ҳақида қарор қабул қилди. Мамлакат Бош вазири Карлос Ферреронинг сўзларига қараганда, бунга сабаб, ушбу хизматнинг кўплаб ходимлари ҳали ҳам собиқ президент Альберто Фухимори ва разведка хизматининг собиқ бошлиғи Владимиро Монтесиносо билан яқин алоқада бўлганлигидир.

Ҳукуматнинг бу қарори мазкур хизматнинг айни пайтдаги раҳбари Рикардо Арбокко коррупцияга алоқадорликда айбланиб, истеъфога чиққанидан сўнг икки кун ўтгач пайдо бўлди. 2001 йилдан буён ушбу лавозимга етти киши келиб кетди.

Владимиро Монтесино 2001 йил қамоқ жазосига маҳкум этилган. У 1999 йилда Колумбиядаги ҳарбий исёнчиларга 10 минг дона Калашников автоматларини сотганликда айбланган.

## ХАМАС етакчисидан айрилди

ХАМАС радикал гуруҳи етакчиси шайх Аҳмад Ёсин исроилликлар уюштирган ҳаво ҳужуми натижасида ҳалок бўлди. Исроил армияси вакилининг сўзларига қараганда, бу ҳарбий операция шайх ўнлаб террорчилик ҳаракатларининг бошида тургани учун амалга оширилди.

Маълум қилинишича, Исроил армияси томонидан отилган ракеталарнинг бири ногиронлар аравачасида ХАМАС ташкилотининг етакчисини олиб кетаётган қўриқчига бориб теккан. Шу ерда қўриқчи ва шайх Ёсин халок бўлган. Шайх билан етти киши, шу жумладан унинг бир ўғли ҳам ҳаётдан кўз юмди, ўн беш одам яраланди. Яраланганлар орасида ҳам Аҳмад Ёсиннинг бир ўғли бор.

БМТ Бош котиби Кофи Аннан ва ЕИ, араб давлатлари Аҳмад Ёсиннинг ўлдирилишини қоралашди.

Кеча БМТ Хавфсизлик Кенгаши Аҳмад Ёсиннинг ўлдирилиши бўйича йиғилиш ўтказди. Лекин унда ҳеч қандай ҳужжат қабул қилинмади.

**Хуршид РАУПОВ.**

# Воситачилар

носкопик экспертизадан ўтказмаган. Оҳанрабо тасмадаги овозлар кимникилигини аёнлаштириб, мавҳум савол-жавобларни холис баҳоламаган. Викторнинг "Фалон вақтда фалон рақамли уяли телефонимда Очилов ва Алиев билан боғланганман", деган гапига ишонган-у, аслида унга эмас, мутлақо бегона мижозларга тегишли ўша аппаратларда ким ким билан, нима хусусда сўзлашганини аниқлаштирмаган.

Энди қуйидаги далиллар мағзини чақинг: Виктор Гусев 27 ёшга тўлар-тўлмас, икки бор судланган. Дастлаб мажбурий тўловлардан бўйин товлагани, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузгани сабабли Ҳамза тумани судининг 1999 йил 12 октябрдаги ҳукмига кўра жаримага тортилиб, уч йилгача муайян ҳуқуқлардан маҳрум этилган. Амнистия тўғрисидаги Фармон туфайли жазоси енгиллаштирилган. Кейинги сафар фирибгарлиги ва ўғрилиги учун худди шу суд томонидан 2002 йил 30 январдан эътиборан маошидан 20 фоизини давлат фойдасига ушлаб қолиш шарти билан уч йиллик ахлоқ тузатиш ишига жалб қилинган. Лекин ижарага бино излаган кезлари жазони ўташдан қочиб юрган. Тадбиркорлик фаолияти юритишга ҳуқуқи, тижорат дўкони очишга маблағи бўлмаган. Чунки хотини тайинли жойда ишламаган. Ўзи-чи?..

Қўлимиздаги ҳужжатларга қараганда, Виктор ҳуқуқ-тартибот идоралари 2002-2003 йиллар мобайнида ўтказган тезкор тадбирлардан бир нечтасида фаол қатнашган. Бу борада турмуш ўртоғи Елена, шунингдек, Раҳматжон Неъматжонов, Отабек Ҳамдамов, Бахтиёр Тўхтаевлар билан ҳамкорлик қилган. Исбот дейсизми, марҳамат:

2002 йил 9 августда саноат-қурилиш банкининг Мирзо Улуғбек тумани филиали ходимлари Рашид Абдураҳмонов ва Наргиса Бариева қиймати минг долларлик йўл чекини навбатсиз олишга имконият туғдириб бериш ҳисобига 30 минг сўм миқдорида пора олганликда гумон қилиниб ушланади. Унда Виктор Гусев мижозлардан, Раҳматжон Неъматжонов холислардан бири вазифасини ўтайди. Ўша йил 26 сентябрда Зокир Очилов қилмишини фош этишда Виктор яна жабрланувчига айланади. Равшан Шомирзаев, Бахтиёр Тўхтаев холис, Елена Гусева, Раҳматжон Неъматжонов гувоҳ тариқасида иш юритади. Орадан тўрт ҳафта ўтар-ўтмас, хусусий тадбиркор Озода Аҳмедова гўёки уйида турли кийим-кечакни 950 долларга сотиш орқали хуфиёна даромад орттирганликда айбланиб, қўлга олинади. Унга қарашли 228 миллион 657 минг сўмлик хорижда ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли моллари ҳужжатсиз деган важ асосида мусодара қилинади. Ушбу тадбирда Бахтиёр гувоҳ, Виктор ва Раҳматжон холис ролини ўйнайди.

2003 йил 13 январда "Асакабанк"нинг Сирғали тумани шохобчаси бошқарувчиси Муҳрбой Раҳимов ва етакчи мутахассиси Олимжон Тожибоев тадбиркор Олимжон Юсуповдан тамагирлик воситасида 30 минг сўм олганини фош қилишда Отабек Ҳамдамов холис сифатида қатнашади. 10 апрель куни шунга ўхшаш яна бир воқеа рўйхатга олинади. Тошкент Архитектура-қурилиш институти талабалари Санжар Убайдуллаев ва Шерзод Сарваров 1200 АҚШ долларининг ҳар доллари устига 80 сўмдан қўйиб сотгандан кейин милиция идорасига келтириладилар. Уларнинг қилмишини исботлашда одатдагидек Отабек, Бахтиёр, Виктор "учлиги" ғайрат-шижоат кўрсатади. Бирови гувоҳ, қолгани холис деб топилади. Эллик кунлик танаффусдан кейин Виктор тағин харидор қиёфасига киради. Биржа савдосига қўйилган бетон қориштириш ускунасини турмуш ўртоғи номидан сотиб олишга азму қарор қилади. Унинг нархини кескин арзонлаштиришда кўмаклашганликлари учун Тошкент шаҳар муниципиал биржа маркази бўлими бошлиғи Виктор Скибони 100, Чилонзор тумани давлат солиқ инспекцияси бош ҳуқуқшуноси Эдуард Файзуллинни 1600 доллар билан "сийлайди". Мазкур ҳолат юзасидан Отабек, Бахтиёр, Елена гувоҳ бўлиб кўргазма беради.

Кўриб турибсизки, ўн ой давомида қўзғатилган олти жиноий ишнинг ҳаммаси битта қолипдан чиққан ғиштлардек бир-бирига жуда-жуда ўхшаш. Асосан пул ва пора билан боғлиқ. Барчасида маълум кишилар исм-шарифи қайд этилган. Виктор уч қайта жабрланувчи, икки қайта холис, Елена икки марта гувоҳ, Бахтиёр бир марта аризачи, уч марта холис, Отабек бир бор аризачи, икки бор холис, Раҳматжон бир сафар гувоҳ, икки сафар холис сифатида тилга олинган. Улар шошилинч тадбирларда биргаликда қатнашишган. Лекин тергов ва судлардаги жавобларида баъзилари бир-бирини гўёки олдин кўрмаганини ва танимаганини зўр бериб уқтиришган.

Модомики, шундай экан, кетма-кет рўй берган мазкур можаролар сизга алланечук сирли туюлмаятими? Кўнглингиздан "Бу фуқаролар кимнингдир пинҳона топшириғини зимдан бажариб, ўзгаларни жар ёқасига етакламаганмикин?" деган гумон ўтмаяптими? Уларнинг беғараз ва қонунан иш юритганликларига шубҳа уйғотмаяптими?

Йўқ, бу билан биз судланганларни олдини олмоқчи эмасмиз.

Демоқчи бўлганимиз, ҳар қандай вазиятда ҳам айблов тахминларга асосланмаслиги, жазо жиноятга яраша тайинланмоғи лозим. Акс ҳолда, оқибати яхшиликка олиб бормайди: қонун устуворлигига путур етиб, одамларда адолатга ишонч йўқолади. Бу кемтиклик ўрнини эса, биласиз, ҳеч қачон ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

*Ушбу масалалар юзасидан журналист суриштируви олиб борилаётган кезларда биз тилга олган олтита жиноят иши Олий суд томонидан тегишли тартибда ўрганиб чиқилди. Шу асно тергов ва судлар жараёнида қатор хато-камчиликларга йўл қўйилгани аниқланди. Барча ҳолатлар бўйича чиқарилган ҳукмлар ва ажримларни бекор қилиб, жиноят ишларини қўшимча терговга юбориш ҳамда гувоҳларнинг улардаги иштироки нечоғли қонуний ва холисона эканлигини ойдинлаштириш тўғрисида протестлар киритилди. Жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани суди эса жазони ўташдан қочиб юргани учун Виктор Гусевга нисбатан муқаддам тайинланган ахлоқ тузатиш жазосини уч йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосига алмаштириш тўғрисида ажрим чиқарди.*


Уздунробита Ўзбекистон МОК нинг бош ҳомийи

GSM

UZDUNROBITA
first cellular

NEW!

"ROBITA GSM"
ЯНГИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ РЕЖАСИ

ТАРМОҚ ИЧИДАГИ ЧИҚУВЧИ ҚЎНҒИРОҚЛАР
1 ДАҚИҚА УЧУН $ 0,05!

| | |
|---|---|
| *Абонент тўлови* | *$ 5,0 ойига* |
| *Эфир вақти* | |
| *Кирувчи алоқа* | |
| *Уздунробита абонентлари телефонларидан* | *Бепул* |
| *Бошқа телефонлардан* | *$ 0,08 (1 дақиқа учун)* |
| *Чиқувчи алоқа* | |
| *Уздунробита абонентлари телефонларига* | *$ 0,05 (1 дақиқа учун)* |
| *Бошқа телефонларга Ўзбекистон бўйича* | *$ 0,10 (1 дақиқа учун)* |

*Нархлар барча солиқлар хисобга олинган ҳолда кўрсатилган.*

*Ушбу тариф режаси 1 апрелдан амал қилади*

NEW! *GSM тармоғи абонентлари учун смартфонлардан Интернетга чиқиш*
*Телефонларни созлаш ҳақида батафсил www.uzdunrobita.uz да ўқинг.*

NEW! *SMS-сервис: "Театрлар репертуарлари ҳақида маълумот".*
*6410 рақамига бўш SMS хабар юбориб, театрлар ва уларнинг тел. рақамлари рўйхатини олиш мумкин.*
*Ойнинг аниқ бир кунидаги спектакль ҳақида билиш учун сизни қизиқтирган кун (1 дан 31) санасини рўйхатдаги тегишли театр рақамига юборилади.*
*SMS марказга 1 мурожаат нархи - $0,10*

www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАШТИРИЛГАН

*Миллий дастур ниҳоллари*

*Педагогик ва илмий кадрлар малакасини ошириш – давр талаби. Кейинги йилларда республикамиз таълим тизимида мазкур соҳа бўйича бирмунча ишлар бажарилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармаси олиб бораётган ишлар таҳсинга сазовордир.*

# Ёшларимиз жаҳонни забт этишмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 июлдаги Фармонида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда жамғарма мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг замонавий ахборот технологиялари (хусусан, компьютер дастурларини яратувчи мутахассислар), ресурслар ва энергияни тежаш ҳамда табиий ва техник ресурсларни қайта ишлашнинг истиқболли технологиялари, тиббиёт ва биотехнология, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, авиасозлик каби соҳаларига устуворлик даражасида ёндашмоқда.

Олий ўқув юртларининг таълим стандартлари ва ўқув режалари сифатига масъул профессор-ўқитувчилар чет мамлакатлар илмий ва ўқув марказларида малака ошириб, тажриба алмашиб келдилар. Хусусан, Австрия, Жанубий Корея давлатларига Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг 74 нафардан иборат профессор-ўқитувчилари малака ошириш курсларига юборилди.

Айни пайтда масофали ўқитишдек янги бир жабҳага қўйилган илк қадамлар ўз самарасини бермоқда. Масалан, жамғармада МВА йўналиши бўйича магистрлар тайёрлаш борасида иккита лойиҳа тайёрланди. Улардан биринчиси бўйича бизнесни бошқариш мутахассислигида иккита магистрни (2003 йилги «Умид» гранти совриндорлари) масофавий ўқитиш орқали тайёрлаш бўйича Буюк Британиянинг Херриотт-ВАТТ университети қошидаги Эдинбург Бизнес мактаби билан шартнома тузилди. Унга кўра, ўқишни 2004 йил 1 апрелдан бошлаш мўлжалланган.

Иккинчи лойиҳа бўйича Жанубий Кореянинг юқори рейтингга эга бўлган Хандонг Глобал университети билан 2004 йилда жамғарма базасида қўшма магистратура дастури бўйича 30 та иқтидорли талабаларни масофали ўқитиш орқали амалга ошириш келишиб олинди.

Профессор-ўқитувчиларнинг масофали ўқитиш йўли билан малакасини оширишга ҳам дадил киришилган. Масалан, ўтган йилнинг охирида Россия «Ахборот жамиятини ривожлантириш» ва Москва давлат Электроника ва математика институтларининг ҳар бири 72 соатга мўлжалланган «Масофали курслар яратиш технологияси ва методикаси» ҳамда «Масофали ўқитиш методикаси» мавзулари бўйича 60 нафар ёш истеъдодли профессор-ўқитувчиларнинг малакалари оширилди.

Массачусетс технология институтининг 500 та очиқ таълим курслари бўйича Тошкент шаҳаридаги олий ўқув юртларининг техника йўналишидаги кафедра мудирлари ва салоҳиятли профессор-ўқитувчилари 9 мартдан эътиборан бепул тарзда ойлик муддат билан малакаларини оширмоқдалар.

Бу йўналиш бўйича истиқболли режалар ҳам белгилаб олинган. Масалан, Франциянинг Париж-Сюд (Сорбонна) Марсель ва Ницца университетлари базасида устувор йўналишлар бўйича магистр ва бакалавр дастурлари бўйича масофали ўқитишни ташкил қилиш режалаштирилган. Ана шу мақсадда айни пайтда жами 110 нафар жамғарма гранти совриндорларини Франциянинг мазкур университетларига юбориш тўғрисида шартномалар тузилди ва дастур май ойида амалга оширилади.

Хитой Халқ Республикасининг Пекин Алоқа ва телекоммуникациялар ҳамда Шанхай университети раҳбарияти билан 100 нафар ёш педагог ва илмий ходимларни информацион технология ҳамда компьютер дастурлари ишлаб чиқувчи мутахассисларни юборишга келишиб олинди ва май ойида биринчи гуруҳ ўқишни бошлаши режалаштирилган.

Малайзиянинг МАРА университетига 60 нафар грант совриндорларини «Информацион технологиялар» бўйича малака ошириш курсларига март-сентябрь ойларида юборишга келишилди.

Жамғарма томонидан Германия, Голландия, Корея, Малайзия, Австрия, Россия (МДУ, Бауман), Сингапур, Дания ва Хитой давлатлари таълим тизимини ёритувчи китоб ва рисолалар нашр этилган.

«Умид» гранти бўйича ривожланган давлатларда ўқиб келган мутахассислар билан ҳамжиҳатликда иш олиб бораяпмиз. 1997-2002 йиллар мобайнида «Умид» гранти бўйича 827 нафар ёш мутахассис чет элларга ўқишга жўнатилди. Жумладан, АҚШда 343, Буюк Британияда 329,Германияда 84, Францияда 33, Японияда 20, Италияда 8 ва Канадада 11 нафар талаба ўқиб келди. Улардан 600 дан ортиғи ўқишларини тугатиб, махсус ишчи гуруҳи қарорлари билан республикамизнинг 80 дан ортиқ вазирлик, идора, ташкилот ва корхоналарига ишга тақсимланган.

Ўтган йилнинг охирида хорижда билим олган ёшларнинг I конференцияси ўтказилди ва уларнинг илмий фаолияти борасидаги 3 қисмдан иборат жами 81 босма тобоқ ҳажмдаги китоб чоп этилиб, барча олий ўқув юртлари ва аксарият коллежлар кутубхоналари, профессор-ўқитувчилар, шунингдек, конференция қатнашчиларига тарқатилди.

Чет мамлакатларда ўқиб келган мутахассисларга сарфланган маблағларнинг қайтиш самарасини ошириш, салоҳиятидан унумли фойдаланиш, хорижда олган билимларини республика миқёсида оммалаштириш ҳамда фаолиятларини янада рағбатлантириш мақсадида улар олий ўқув юртларида фан ва информацион технологиялар бўйича декан ўринбосарлари лавозимига ишга жалб қилинмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда жорий йилнинг май ойида Чортоқ дам олиш мажмуасида хорижда ўқиб келган ёш мутахассисларнинг «Хорижий олий таълим тажрибалари» мавзусидаги илмий-методик анжуманини ўтказишни режалаштиряпмиз. Анжуман якуни бўйича бир неча жилддан иборат ҳажми 100 босма тобоқдан ортиқ китоблар чоп этилиши кўзда тутилган.

Яқин келажакда амалга ошириладиган режаларимиз анчагина. Грант совриндорларини чет элларга узоқ муддатга чиқармасдан туриб, масофали ўқитиш услуби орқали ўқишларини ташкил қилиш, малакаларини ошириш асосида нуфузли чет эл олий таълим масканлари дипломлари ва сертификатларини олиш имкониятларини яратиш шулар жумласидандир.

Эътиборга молик томони шундаки, мультипликаторлар гуруҳи таркибига ҳар бир йўналиш бўйича албатта, чет мамлакатларда таълим олиб келган ёш мутахассислар киритилади. Жамғарма қошида ривожланган демократик давлатлар билан ҳамкорликда ташкил этиладиган масофали ўқитиш марказлари ташкил қилинади ва узлуксиз фаолият юритилади.

Мультипликаторлар гуруҳи илғор педагогик ва ахборот технологиялари ҳамда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг устувор йўналишлари бўйича рисола, ўқув методик қўлланма, электрон дарсликлар ва мақолалар тўпламларини нашр этади, таълим муассасаларига етказади. Бу вазифаларни амалга ошириш мақсадида жамғарма қошида «Мультимедиа» маркази ташкил қилинади.

Яна бир янгилик: истиқболли ёш педагог ва кадрлар малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармасининг ривожланган хорижий мамлакатлар илмий марказлари ва олий ўқув юртларига сафарга юбориш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти грантларига совриндорлар танловини ўтказиш тартиби ҳам янгидан ишлаб чиқилди. Танловга қатнашиш тартиби ортиқча расмиятчиликдан ҳоли этилиб, анча соддалаштирилди.

**А. ПАРДАЕВ,**
**«Истеъдод» жамғармаси ижрочи директори.**





ИМКОНИЯТ БЕРУВЧИ АХБОРОТ ВА БИЛИМ!

- ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ТАМОЙИЛ ВА МУАММОЛАР
- БОЗОРЛАР ВА КОРХОНАЛАР ҲАҚИДА ИШОНЧЛИ АХБОРОТ
- ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ МАСАЛАЛАРИ
- ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЖУРНАЛ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ГАЗЕТА ДЎКОНЛАРИ ВА СУПЕРМАРКЕТЛАРИДА СОТИЛМОҚДА

ОБУНА ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРЧА АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

WWW.REVIEW.UZ • ОБУНА ИНДЕКСЛАРИ – 957, 958 • SALES@CER.UZ

Қайд қилинган гувоҳнома № 00023



Setco Telecommunication System 112-53-53, 112-54-54, 112-55-55, 134-50-40.

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННАЯ ДИРЕКТОРСКАЯ МИНИ-АТС

SETEX ST - D4440

- Оперативная связь "директор-секретарь"
- Ведение разговора без поднятия трубки
- Конференция до 40 участников
- Вызов одного или группы абонентов нажатием одной кнопки

Конфигурация
- 2 дир-ких пульта
- 4 городские линии
- 8, 24 или 40 внутренних абонентов

АППАРАТУРА ВИДЕОНАБЛЮДЕНИЯ
• Монтаж "под ключ" • Сервисное обслуживание
• Техническое сопровождение • Гарантия 1 год

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН, УСЛУГИ ЛИЦЕНЗИРОВАНЫ



ESENYA ҚУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ

ЛОЙИҲАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ:
- БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ;
- БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАҲАРЧАЛАРИ;
- БАССЕЙНЛАР;
- АКВАПАРКЛАР.

Германия, Италия, Испания, Туркия ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибьютери ва етказиб берувчисимиз.

Эскириб қолган аттракционлар ва бошқа боғ жиҳозларини техник экспертизадан ўтказамиз, таъмирлаймиз ва қайта тиклаймиз ҳамда ишлаб чиқарувчи заводлардан эҳтиёт қисмларни, механизмларни ва бошқа конструктив элементларни етказиб берамиз.

ESENYA Bau- und Handelinvestition GmbH Traunreut - Deutschland
ОАО АТТРАКЦИОН CATALOGUE



БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН

Манзилимиз: 700025, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 49-уй.
Телефон: +99871 107-16-00. Тел./факс: +99871 152-13-01.



Ўзбекистонда ягона маккажўхори крахмали ишлаб чиқарувчи

«Фулонг Индустриал» ҚК

ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА САНОАТ КРАХМАЛИ СОТАДИ.

*Нархлар — келишилган ҳолда.*
*Тўлов шакли — пул ўтказиш йўли билан.*

*Дилерларни ҳамкорлик қилишга таклиф этамиз.*
*Маккажўхори сотиб оламиз.*



Барчани биз билан ҳамкорлик қилишга чорлаймиз!

Манзилимиз: Тошкент ш., Бектемир тумани, Бинокор қ., Зироат кўчаси, 1-уй.
Телефон: 58-48-97, факс: 120-58-24, e-mail: tglst@bcc.com.uz


*Зангиота тумани ДСИда рўйхатдан ўтиб, узоқ вақтдан бери фаолият кўрсатмай, тўлов қобилиятига эга бўлмаган «Ўзстроммаш» қўшма корхонаси, «Анбар-она» МЧЖ Тошкент вилояти Хўжалик судининг Ҳал қилув қарорларига асосан банкрот деб эътироф этилди.*

*Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида Зангиота тумани ДСИ биносида 2-қават, 20-хонада қабул қилинади.*


O'ZSANOATQURILIShBANK
Кўпларни танишади – муносибларни танлашади !



«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона



Intel® Xeon™ MP процессорлари базасидаги TS-Net Vigor® M серверлари

TS TECHNOLOGY Компьютерлар ва компьютер технологиялари

Intel® Xeon™ MP процессорлари базасидаги TS-Net Vigor® M серверлари ўзининг умидбахшлиги билан ишончни оқлайди, ундан кўплаб фойдаланувчилар ва қўшимча уланадиган мижозлар ишини уйғунлаштиради ҳамда юқори унумдорлик билан ишлайди.



Ўзбекистонда илк бор ишлаб чиқарилаётган, барча халқаро андозаларга жавоб берадиган, баҳоси тўғри келадиган серверлар.

intel inside XEON

Корпоратив сотувлар: «Middle East Komputers», Тошкент ш., «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, 1520 офис. Тел.: (998 71) 120-77-78; e-mail: sales@tstech.uz.
«SK-Rest», Тошкент ш., Мусахонов к., 45-уй. Тел.: (998 71) 133-24-63; e-mail: sk-rest@tstech.uz.
Дистрибьютерлар: «Сакоти» МЧЖ, Тошкент ш., тел.: (371) 127-68-47, 127-59-57; «Техсервис», Термиз ш., тел.: (37622) 7-45-54;
«Поиск» ЕИТИ маркази, Фарғона ш., тел.: (3732) 24-13-13, 24-31-80.
http//:www.tstech.uz.

Товар сертификатланган. Intel, Intel Inside® ва Xeon™ логотипи Intel Corporation нинг АҚШ ва бошқа давлатларда рўйхатдан ўтган товар белгисидир.



Корхона ва ташкилот раҳбарлари диққатига!

«FAVORIT-INTEL» МЧЖ сизга қуйидаги хизматларни таклиф этади:



- бухгалтерия ва архив ҳужжатларини муқовалаш;
- компьютерларни таъмирлаш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш.

Телефонлар: 107-98-51, 158-01-51.


Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси девоннинг масъул ходими Ғ. Б. Исаевга падари бузруквори

**БЎРИБОЙ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик ва таъзия изҳор қилади.

Давлат солиқ қўмитаси жамоаси қўмита бўлим бошлиғи Акбар Арашевга отаси

**Амирқул АРАШЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Театр ижодкорлари уюшмаси Абдулҳамид Мажидий номидаги Каттақўрғон шаҳар драма театри режиссёри Зайниддин Омоновга волидаи муҳтарамаси

**Турсун момо ҚИЛИЧЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Чет эл Фармацевтика Компания ва ишлаб чиқарувчилари Ваколатхоналари уюшмаси «Life Remedy M Inc.» компаниясининг Марказий Осиё регионни бўйича директори Р. Қаҳҳорийга волидаи муҳтарамаси

**Назирахон РАИМОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Молия институти қошидаги Молия академик лицейи жамоаси тарих ўқитувчиси Холида опа Асиловага укаси

**БОСИТ аканинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади ва ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Кимё-технология институти жамоаси талабалар ошхонаси мудири

**Абдуманноп ЙЎЛДОШЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 472. 33413 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Жамшед ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
Т-Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5